



ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қобулов Бекзод Шерали ўғли.
Тошкент давлат Юридик университети
мустақил изланувчиси
E-mail: b.kobulov@bk.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19273097>

ARTICLE INFO

Received: 1st March 2026
Accepted: 5th March 2026
Published: 27th March 2026

KEYWORDS

Интернет, чуқур ўрганиш (Deep Learning), овозни клонлаштириш, кибер жиноятлар, рақамли ҳуқуқлар, рақамли из, дастурий таъминот.

ABSTRACT

Мақолада жиноятларнинг замонавий шакллари, кибер макондаги шахс ҳуқуқларини таъминлашдаги муаммолар, кибер макондаги жиноятларнинг ўзига хос жиҳатлари, кибер маконда далиллар тўплаш усуллари, замонавий жиноятларни исботлаш учун жамият ва қонунчилик олдидаги долзарб вазифалар, анъанавий процессуал ҳаракатлар орқали замонавий шаклдаги кибер жиноятларга қарши курашиш имконсизлиги, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштириш лозимлиги, янги экспертиза, тергов ҳаракатларини, янги мажбурлов чораларини ва янги институтларни жорий қилиш зарурлиги бўйича таклифлар илгари сурилган.

Интернет ва рақамли технологиялар соҳасидаги илм фан ютуқлари самарасида жамиятдаги ижтимоий муносабатлар қамрови ва шакли ҳар қачонгидан ҳам кенг, мураккаб, турфа-хил ва худуд билмас қиёфа касб этмоқда.

Бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларига Интернет ва рақамли технологиялар кириб борди. Хусусан, инсон туғилганидан, унинг туғилгани электрон маълумотлар базаларида қайд этилади, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳам унга электрон шаклда расмийлаштирилади, унинг соғлиғи, унга нисбатан қўлланилган тиббий муолажалар, истеъмол қилган дори воситалари, уни мактабгача таълим муассасасига бориши, мактабга бориши, мактабдан сўнг олий таълимда таҳсил олиши, ишга кириш мақсадида, ариза топшириши, ойлик маош олиши, пенсия жамғармасида ҳисоб очиши, ҳаёти давомида, иш жойи, яшаш жойи тўғрисидаги ва бошқа турдаги маълумотларни олиши ҳамда энг охири ҳаёти якунида вафоти қайд этилиши ҳақидаги маълумотлар ҳам электрон базаларда қайд этилмоқда.

Табиийки, бугун инсоният ҳаётини Интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Интернет (lotincha: inter – аро va net – тармоқ) – стандарт интернет протоколи (IP) орқали маълумот алмашувчи компьютер тармоқларининг бутун жаҳон ва омма учун очиқ бўлган тўпламидир.

Интернет ҳар қандай чегараларни, масофаларни, дунёқарашни енгиб ўтади ва минг йиллар давомида инсоният учун худди имконсиз ва рўёбга чиқиши мумкин бўлмаган имкониятларни тақдим этди. Инсон атрофини ўраб турган борлиқ, ундаги ўзаро мулоқот ва муносабатга киришиш, билим олиш, даромад топиш ва хизмат кўрсатиш воситалари рақамлашгани баробарида, уни шахсий, мулкӣ ва бошқа ҳуқуқларига

тажовуз қилиш хавф хатарлари ҳам рақамлашган виртуал оламда пайдо бўлмоқда ва содир этилмоқда.

Бунинг натижасида шахс, жамият ва давлат манфаатларига дахл қилувчи жиноий тажовузлар ҳам мутлақо янги кўринишда намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ва қонунчилик ҳужжатларини доимий равишда такомиллаштириб борилишига қарамасдан кибер макондаги жиноятлар кундан кунга кўпайиб, кибер макондаги шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдидлар ортиб бормоқда. Шу билан бирга, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши ортиб бормоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 2024 йилда **44,4 фоизини** ташкил этган бўлса, 2025 йилнинг 11 ойида умумий жиноятчиликнинг **47,7 фоизини** ташкил этмоқда[1]. Бундан ҳам ачинарлиси, бу тоифадаги жиноятларни фош этилиши ва айбдор шахсларни аниқлаб, жабрланувчиларга нисбатан етказилган моддий зарарни қоплаш даражаси анча паст ҳисобланади.

Шунингдек, “Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти”нинг (WHO) 2024 йилдаги ҳисоботида кўра, Европадаги мактаб ёшидаги болаларнинг тахминан олтитадан биттаси (яъни **15-17 фоизи**) **киберҳуқуқбузарлик қурбони** бўлган. Шу билан бирга, **12 фоизи** ёшлар ўзлари каби бошқа болаларга нисбатан киберҳуқуқбузарликларни амалга оширганлиги аниқланган[2].

Шу билан бир қаторда, “Frontiers in Public Health” журнали таҳлилларида, кибербуллинг ҳуқуқбузарлиги қурбони бўлиш даражаси **13,9 фоиздан 57,5 фоизга**, бошқа шахсларга нисбатан ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган сони эса 6 фоиздан 46 фоизгача ортган[3].

Бундан ташқари, сўнгги йилларда сунъий интеллект (СИ) ва чуқур ўрганиш (Deep Learning) технологияларининг ривожланиши инсон нутқини қайта ишлаш ва синтез қилиш жараёнларига туб ўзгаришлар олиб кирди. Хусусан, овозни клонлаштириш (voice cloning) технологиялари маълум шахснинг овоз хусусиятларини автоматик тарзда ўрганиб, уларнинг тимсолини табиий ва реалистик кўринишда қайта яратиш имконини бермоқда[4].

Натижада, замонавий жиноятчилар томонидан сунъий интеллект, Deepfake, овоз клонлаш, Neural TTS, SV2TTS, Few-shot, GAN, Transformer каби технологиялар ёрдамида фирибгарлик, ўғирлик ва бошқа бир қатор жиноятларни содир этиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Хусусан, **2022** йилда **1703** та, **2023** йилда **2478** та ва **2024** йилда **3553** та ҳолатда мансабдор ва таниқли шахсларнинг фото ва видеоматериалларини дипфейк технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгартириш орқали ёлғон маълумотлардан фойдаланиб, фирибгарлик жиноятини содир этишга уриниш ҳолатлари қайд этилган[5].

Sumsb (Sum & Substance) халқаро IT-компаниси маълумотларига кўра, 2023 йилда дунёда сунъий интеллектдан фойдаланиб, таниқли шахсларнинг фото, видео тасвири ҳамда аудио ёзувларини сохталаштирилиши глобал миқёсда ортиб, Шимолий Америкада **1740 %**, Осиё Тинч океани минтақасида **1530 %**, Европа мамлакатларида **780 %**ни ташкил қилган [6].

Тергов амалиётидаги ушбу тоифадаги жиноятлар билан боғлиқ айрим ҳолатларга тўхталадиган бўлсак, 2024 йил 28 июль куни фуқаро А. таниши Г. билан ўзаро эски адовати натижасида Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги “Telegramm” мессенжериди “1111” номли профил яратиб, сунъий интеллект технологиялари ёрдамида фуқаро Г.нинг расмига ишлов бериб, уни фоҳишалик билан шуғулланиб келиши ҳақида видеоматериалларни тайёрлаб, уни Интернетга жойлаштириб келган.

Бошқа бир ҳолатда, фуқаро Д. бошқа бир фуқаро Н.нинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги “Telegramm” мессенжеридаги профилидан унинг шахсий фотосуратларини юклаб олиб, ушбу фотосуратларга сунъий интеллект технологиялари ёрдамида ишлов бериб, тайёрланган порнографик кўринишдаги фото ва видеоматериалларни беҳаёликни тарғиб қилувчи гуруҳларга ва ижтимоий тармоқларга тарқатиш билан кўрқитиб, 30.000.000 сўм пулларни товламачилик йўли билан талаб қилиб, келишилган пулларни қабул қилиб олаётганида жиноят устида ушланган [7].

Шунингдек, яна бош бир ҳолатда 2024 йил январь ойида, фуқаро Ж. фуқаро Г.нинг шахсига доир маълумотлар асосида, унинг номига электрон калит олиб, “my.gov” тизими орқали фуқаро Г.нинг номидаги турар-жойни бошқа шахс эгалигига ўтказиш учун онлайн ариза юборган[8].

Бундан ташқари, 2025 йил 15-17 февраль кунлари фуқаро А. бир гуруҳ шахслар билан ўзаро тил бириктириб, “---банк” АТБнинг *(диссертация иши очиқ бўлгани сабабли, банк номи банкнинг манфаатларига зарар етказмаслик мақсадида келтирилмади)* ахборот тизимига бузиб кириб, 43 млрд. 921 млн. сўм пулларни 728 нафар шахсларнинг номига расмийлаштирилган банк картасига ўтказиш орқали ўзлаштириб, сўнг ушбу маблағларни крипто-активга айрибошлаш орқали Республикадан олиб чиқиб кетишган[9].

Шу билан бирга, 2025 йил февраль ойида “---банк” АТБ тизимига кибер ҳужум уюштирилиб, 471 нафар фуқароларнинг банк карталаридан 3,6 млрд. сўм пул маблағлари ўғирлик йўли билан талон-торож қилинган[10].

Ҳудди шу каби ҳолат, бошқа бир банк иловасида ҳам кузатилиб, ушбу банк ахборот тизимига амалга оширилган кибер ҳужум натижасида 1835 нафар фуқаронинг 9 млрд. 749 млн. 538 минг сўм пул маблағлари талон-торож қилинган [11] *(тадқиқот иши очиқ бўлгани сабабли, банк номи банкларнинг манфаатларига зарар етказмаслик мақсадида келтирилмади)*.

Бу каби кўринишдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноий хуружларни тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар таҳлилида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, ДХХ Тергов бошқармаси томонидан тергов қилинган жиноят иши давомида аниқланишича, фуқаро “А” Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда “Б”, “Н” исмли ва бошқа шахсларни террорчилик фаолиятига жалб қилиб, уларга онлайн тарзда портлатиш қурилмаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича машғулотлар ўтган. Натижада, фуқаролар “Б”, “Н” ўзларининг яшаш манзилларида Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари биноларида портлашлар содир этиш орқали аҳоли орасида ваҳима тарқатиш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига путур етказиш мақсадида жиноий режа тузиб, бунга пухта тайёргарлик кўришган.

Бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳамкорликда ўтказилган фаол тадбир натижасида улар ўзларининг жиноий мақсадларига эришишларининг олди олинган[12].

Шу ўринда, бошқа турдаги трансмиллий жиноятлар, одам савдоси, қурол-яроқ савдоси, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг контрабандаси ва қонунга хилоф муомаласи ҳам айнан Интернет ижтимоий тармоғи орқали содир этилмоқда.

Бунда жиноятчиларга ноқонуний ҳаракатларни амалга оширадиган, ноқонуний товарлар ва хизматларни сотадиган ва киришга фақат ихтисослаштирилган дастурий таъминот “Tor-browser” ёрдамида кириш қийин бўлган ва яширин веб-сайтлар билан

танилган, бутунжаҳон ўргимчак тўрининг бир қисми ҳисобланган “Darknet” тармоғидан кенг фойдаланмоқдалар.

Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган А.А.Коновалов, С.А.Наумов ва Д.Д.Колесниковлар жиноят содир этилишида тармоқ ахборот маконининг ўзига хос хусусиятлари билан юқори даражада яширинлиги (ишлаб чиқилган, анонимик механизмлари, инфратузилманинг мураккаблиги ва бошқалар) таъминланганлиги, тармоқ жиноятларининг трансчегаравий хусусияти, жиноятчиларнинг алоҳида махсус тайёргарлиги, жиноий фаолиятнинг интеллектуал хусусияти, жиноят содир этиш усулларининг мураккаблиги, хилма-хиллиги ва уларни содир этиш усуллари тез-тез янгиланиб бориши, анъанавий усуллар билан бу турдаги жиноятларни олдини олиш ва уларга чек қўйиш имконияти мавжуд эмаслигини таъкидлайдилар[13].

Бизнинг фикримизча, ушбу жиноятларни олдини олиш ва улага чек қўйишга нафақат ушбу жиноятларнинг кўриниши, содир этиш усули ва воситалари мураккаблиги имкон бермаётгани билан бирга амалдаги жиноят процессуал қонунчилик нормалари ушбу замонавий кўринишдаги жиноятни фош этиш учун етарли эмаслиги, қонунчиликдаги ушбу жиноятларни фош этишга хизмат қилувчи янги институтлар ва ҳуқуқий механизмларни яратиш керак.

Республикадаги жиноятчилик, унинг содир этиш усуллари таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўрсатилган қарийб 64 турдаги жиноятлар бугун кибермаконда содир этилаётгани маълум бўлди.

Уларга қарши курашишни таъминловчи ҳуқуқий механизмлар етарли эмаслиги, аксарият анъанавий турдаги жиноятларни Интернет жаҳон ахборот тармоғида амалга оширилган шакллари кескин суръатда ошишига шароит яратмоқда.

Шунингдек уларнинг айрим анъанавий жиноятларнинг кибермакондаги янги шакллари исботлашда, далиллар тўплашда, тергов ва процессуал ҳаракатларини ўтказишда имкониятлар чекланаётган бўлса, айрим ҳолатда ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги сабабли, янги турдаги процессуал ҳаракатларни жиноят процессуал қонунчиликка татбиқ этиш зарурати кўзга ташланмоқда.

Чунончи, кибержиноятлар таҳлилига кўра, ушбу жиноятларнинг 97,7 фоизини банк карталари билан боғлиқ ўғрилиқ ва фирибгарликлар ташкил этиб, жиноятчилар томонидан ўзлаштирилган қўлга кирилган электрон шаклдаги пул маблағлари 3 соатдан 24 соатгача бўлган муддатда турли усулда тасарруф этилишига эришилмоқда[14].

Бироқ, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда ушбу пул маблағларини ҳаракатини қисқа муддатда тўхтатиб туришга хизмат қилувчи процессуал ҳаракатлар ёки бошқа ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас.

Натижада, банк карталардаги пул маблағларининг ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ўғирлик ва фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиш имкониятлари чекланмоқда.

Бугун дунёда замонавий ахборот технологияларига асосланган инновацион экотизм юзага келди. Бу даврда анъанавий босқичма-босқич ўзгаришларни амалга оширувчиларга рақамли инқилоб цунами каби ёпирилганда, улар тўлқинни умуман кўрмай қолишади [15].

Минг афсуски, юқорида қайд этилган жиноятчилик ва уни фош этишга оид статистик маълумотлар бугун жамият ва давлат ана шундай “рақамли инқилоб” ёки “рақамли жиноятлар цунамиси” қаршисига келиб қолганлигини тасдиқлайди.

Ўз навбатида, Давлат халқнинг унга берган ваколоти асосида, жамиятда юз берадиган долзарб ижтимоий муносабатларни тартибга солиди.

Давлатнинг жиноят ишлари юзасидан ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, уни амалга оширишида давлат мажбурловининг энг кескин шакллари билан фойдаланиш зарурлиги бу фаолиятни аниқ тартибга солишни, унда

иштирок этувчилар ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг аниқ доирасини белгилашни талаб этади[16].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, етказилган зарар ва жиноятдан жабр кўрган шахслар миқдори ҳамда жиноят очилмаслиги натижасида жабрланувчиларнинг тиклаш имкони бўлмаган бузилган ҳуқуқлари “виртуал олам” ва унда юзага келаётган янги кўринишдаги рақамли муносабатлар жараёнидаги шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг янги ва ишончли кафолатларини яратиш масалаларини чуқур тадқиқ этишни ва ушбу муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни жорий этишни тақозо этади.

Бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлардан бири А.Н.Якубов “**Виртуал объектлар** – бу компьютер дастури томонидан моделлаштирилган виртуал дунёнинг номоддий ашёлари бўлиб, виртуал олам форматида аллақачон йўлга қўйилган, бироқ қонун билан тартибга солинмаган иқтисодий муомалага эга объектлар саналади”, “**Рақамли ҳуқуқлар** – мазмуни ва амалга ошириш шартлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот тизими томонидан белгиланган мезонларга жавоб берадиган ҳамда ахборот тизимининг қоидаларига мувофиқ белгиланадиган мажбурият ва бошқа ҳуқуқлар мажмуасидир” деб таърифлайди[17].

Бизнинг назаримизда, виртуал объектлар фақатгина иқтисодий муомалага эга объектлар саналмайди, аксинча бу иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва шахсий дахлсизликни таъминлаш билан боғлиқ барча муносабатларни қамраб олади.

Рақамли ҳуқуқлар эса ахборот технологиялари, кибер маконда шахслар томонидан амалга ошириладиган барча ҳаракатлар, муносабатларда шахснинг жамиятда мавжуд барча ҳуқуқларининг ушбу жараёнларда намоён бўлиш шакли ва кўриниши ҳисобланади.

А.Ю.Афанасьев рақамлаштиришнинг бугунги кундаги илғор кўриниши ҳисобланган сунъий интеллект ҳақида таъриф бериб, сунъий интеллектни суриштирув ва тергов органларининг фаолиятини автоматлаштириш орқали жараён бошқаруви таъсирчанлигини оширишга, қабул қилинадиган қарорлар сифати ва қайта ишланишини яхшилашга хизмат қилувчи, муайян вазиятлар доирасида қарорлар қабул қилиш учун вақт сарфини қисқартиришга ёрдам берувчи ахборот-технологияси сифатида таъриф беради[18].

Ўз навбатида, суриштирув ва тергов органлари фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш билан бирга бевосита ушбу технологияларни тергов амалиётида қўллашнинг ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларни тергов қилишга хизмат қилувчи ҳуқуқий асосларни ҳам яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бироқ, аксар олимлар А.Ю.Афанасьев каби жиноят процессини рақамлаштиришни бир томонлама тадқиқ ёндашган ҳолда тадқиқ этадилар. Хусусан, С.А.Мухамадиевнинг қайд этишича, жиноят процессида ахборот-технологиялари воситаларини қўллаш тушунчаси том маънода “жиноят процессини рақамлаштириш” тушунчасига монанд ҳисобланади[19].

Бироқ, биз С.А.Мухамадиевнинг фикри билан келиша олмаймиз, чунки жиноят процессини рақамлаштириш кенг тушунча бўлиб, бу жиноят процессини тартибга солувчи барча нормалар, тартиблар ва институтларни комплекс ўрганган ҳолда замонавий ижтимоий муносабатиларга мослаштирган ҳолда рақамли трансформация қилиш ҳисобланади.

В.А.Миликова бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар суд тизими ўзининг кундалик фаолиятини олиб боришда рақамли технологиялардан кенг фойдаланаётганлигини қайд этиб, келгусида фаолиятга рақамли технологияларни жиноят процессига кенг жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш учун нафақат

инфратузилмани яхшилаш, балки жиноят-процессуал қонунчилик ҳужжатлари нормаларини ҳам такомиллаштириш лозимлигини таъкидлайди[20].

O.Nalahan, I.Krytska, A.Tumanyants, I.Dubivka каби олимларнинг қайд этишича, жиноят процессини рақамлаштириш судга қадар иш юритуви босқичини, электрон ахборот тизимлари ва алоқа тизимлари таркибидаги маълумотлардан фойдаланиш, процессуал ҳаракатлар учун рақамли технологиялардан фойдаланиш каби жараёнларни тартибга солувчи айрим институтларни модернизация қилишни талаб қилади [21].

Н.В.Михайленко эса, жиноят процессида рақамлаштиришни жорий этишга тўлақонли қарши чиқмаган ҳолда, унда қонунчиликнинг тўлиқ такомиллашмаганлиги, электрон ҳужжатларни уларнинг асли билан солиштириш имконияти, электрон хизматлардан фойдаланиш қамрови, киберхавфсизликнинг таъминланиши билан боғлиқ муаммоларни келтириб, бу жараёнда янгиликларни пухта ва ўйланган тарзда жорий этиш лозимлигини таъкидлайди[22].

Венгриялик олим Andor Galнинг фикрича, жиноятчиликни ривожланиши, унинг рақамли жараёнлар билан уйғунлашиб, трансчегаравий қиёфа касб этаётгани, жиноят процесси нормалари ва инфратузилмани ривожлантириш заруратини юзага келтирилмоқда[23].

Биз юқоридаги муаллифларнинг қонунчиликнинг тўлиқ такомиллаштирилмаганлиги рақамлаштириш жараёнларини кутилган натижани бермаслиги ҳақидаги фикрларини қўллаб қувватлаймиз. Зеро, рақамлаштиришда қонун нормалари ва технологиялари параллель равишда ҳаракатланиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган кибержиноятлар ва уларга жиноятлар бўйича иш юритуви қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

- маконда географик чегара билмаслиги, ер шарининг турли минтақасида жиноий ҳаракатни содир этиш орқали бошқа бир минтақадаги шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ижтимоий муносабатларга дахл қилиш имкониятининг мавжудлиги;
- закон билмаслиги, ҳар қандай маълумотни қисқа муддатда олиш (эгаллаш), узатиш, ҳаракатни қисқа сониялар ичида амалга ошириш имкониятига эгаллиги;
- содир этилганда анъанавий жиноятлар сингари моддий жисмлардан фойдаланилмаслиги, аксинча ҳар хил замонавий ахборот коммуникация воситалари, дастурий таъминотлар, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланилиши;
- ушбу жиноий ҳаракатларни содир этиш жараёнида, жиноятчилардан қолиши мумкин бўлган “из”лар моддий шаклда бўлмаслиги, балки турли маълумотлар, кодлар, алгоритмлар, транзакцияларда, аноним шаклда намоён бўлиши;
- далилларни анъанавий тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали тўплаш, текшириш ва баҳолаш имконияти чекланганлиги;
- олинган далилларни анъанавий жиноятлардаги каби пакетда ёки бошқа моддий жисмда муҳрланган ҳолда сақлаган тақдирда ҳам унга турли дастурий таъминот ва технологиялардан фойдаланиб ташқи таъсир ўтказиш, керак бўлса, уни йўқ қилиш имкониятлари сақланиб қолиши;
- олинган далилларни сақлаш тартиби, шакли ва усуллари бошқача технологик жиҳозлашни талаб этиши;
- жиноят содир этган шахсларнинг юқори даражада яширинлиги;
- жиноят содир этишда фойдаланиши мумкин бўлган фото, видеоматериалларни тайёрлашда сунъий интеллект, замонавий технология ва дастурий таъминотлардан фойдаланилиши натижасида амалдаги экспертиза турлари ва ўтказиш усуллари орқали материалларни айнанлигини аниқлаш имкониятлари чекланганлиги;
- амалдаги процессуал мажбурлов чоралари доираси жиноят содир этган шахс ҳаракатларини чеклаш учун етарли эмаслиги, шахс ҳаракатларини чеклаш, бевосита унинг жиноий қилмишини чеклаш сифатида баҳолаш мумкин эмаслиги;

- шахсинг ҳаракатини чекланган тақдирда ҳам, у томондан жиноий фаолиятга хизмат қилиш мақсадида фойдаланилган дастурий таъминотлар жиноий ҳаракатларни давом эттириши мумкинлиги;
- анъанавий мулкрий ундирувни амалга оширувчи ҳуқуқий механизмлар орқали бу тоифадаги жиноятлар орқали етказилган зарарни ундирилишини таъминлаш имконсизлиги ва ҳуқуқий бўшлиқлар туфайли мол-мулкни хатлаш имкониятлари чекланганлиги;
- жиноятни олдини олиш усуллари ва шакллари янгича ёндашуви ва технологияларни талаб этиши;
- ишни судга қадар юритиш фақатгина юридик билимни эмас, балки қўшимча ахборот технологиялари соҳаларидаги билим ва қўникмаларни эгаллашни ва терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларни жорий этишни талаб этиши;
- ушбу жиноятларнинг қўлами ва хавфи трансмиллий жиноятлардан ҳам ортиб бораётган бўлса-да, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларида ҳам ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш ва қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик масалалари тартибга солинмаганлиги.

А.Н.Якубовнинг фикрича, кибермаконнинг асосий хусусиятларидан бири унинг трансчегаравий табиати ҳисобланади. Мазкур ҳолат аслида ушбу ноёб муҳитда ривожланаётган барча муносабатларнинг трансюрисдикциявий хусусиятини кўрсатиб беради.

Ушбу муаммони ҳал қилиш кибермаконда содир бўлаётган муносабатларни (шу жумладан криптовалюта, рақамли активлар, виртуал мол-мулкни муомалага киритиш билан боғлиқ) ягона халқаро ҳуқуқий тартибга солиш заруратини ҳам юзага келтирмоқда [24].

Ҳақиқатдан ҳам А.Н.Якубовнинг фикри жуда ўринли, чунки бугун кибер жиноятлар бутун инсоният хавфсизлигига таҳдид соладиган даражага етиб келди ва унга глобал миқёсда қарши курашнинг ҳуқуқий асоси ва механизмини яратиш бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган вазифадир.

М.Х.Рустамбаевнинг фикрича, жиноят юз берганда, уни очиш, тергов қилиш ва жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш етказилган зиённинг қопланишини таъминлаш давлат фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Давлат ушбу фаолиятни таъминлаш учун ўз қонунчилиги тизими орқали ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва судларини таъсис этади. Жиноят юз берганда, уни тергов қилиш, судда муҳокама қилиш, ҳукм чиқариш, уни ижро этиш тартибларини белгилайди [25].

Назаримизда, айнан бугунги кунда кибер маконда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган жиноятларни очиш, тергов қилиш, етказилган зиённинг қопланишини таъминлаш, жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш, жиноят ишларини судда муҳокама қилиш, ҳукм чиқариш билан боғлиқ жиноят процессининг босқичларини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини рақамли трансформациясини амалга ошириш бугунги кун илм-фан ҳамда қонун ижодкорлиги олдида турган энг долзарб масала ҳисобланади.

Юқоридагиларга таҳлиллар натижасида, Жиноят-процессуал қонунчиликни рақамлаштиришнинг ижтимоий зарурати қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларида, ушбу жиноятларнинг қўлами ва хавфи хатарларига муносиб қарши курашиш ва борадаги ҳамкорлик масалалари тартибга солинмаганлиги;

иккинчидан, амалдаги жиноят процессуал қонунчилиги, принциплари, иштирокчилар доираси ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган кибержиноятларга қарши курашишни қамраб олмаслиги;

учинчидан, амалдаги жиноят процессуал қонунчиликни нормалари, виртуал оламда, ҳар хил дастурий таъминот, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар “рақамли из”ларни, аниқлаш учун етарли эмаслиги;

тўртинчидан, виртуал оламдаги рақамли далилларни анъанавий тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали тўплаш, текшириш ва баҳолаш имконияти чекланганлиги;

бешинчидан, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган далилларни анъанавий сақлаш тартиби, шакли ва усуллари рақамли далилларнинг ҳажмига ва уларни мақбул тарзида таъсир ўтказишдан ҳимоя қилган ҳолда таъминлашга етарли эмаслиги;

олтинчидан, амалдаги экспертиза турлари ва ўтказиш усуллари орқали замонавий жиноятлар бўйича далилларни тўплаш ва текшириш учун етарли эмаслиги;

еттинчидан, кибер жиноятлар бўйича шахс ҳаракатларини чеклашни, бевосита унинг жиний қилмишини чеклаш сифатида баҳолаш мумкин эмаслиги сабабли, амалдаги процессуал мажбурлов чоралари доираси бу тоифадаги жиноятлар бўйича гумон қилинувчи ва айбланувчининг келгуси жиний фаолиятини чеклаш ва олдини олиш учун етарли эмаслиги;

саккизинчидан, анъанавий мулкый ундирувни амалга оширувчи ҳуқуқий механизмлар орқали бу тоифадаги жиноятлар орқали етказилган зарарни ундирилишини таъминлаш имконсизлиги, ҳуқуқий бўшлиқлар туфайли мол-мулкни хатлаш имкониятлари чекланганлиги;

тўққизинчидан, виртуал оламдаги крипто-активларни хатлаш, рақамли кўринишдаги шахснинг мулкый муносабатларга доир ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ аниқ, процессуал ҳаракатлар ва уларни ўтказиш тартиблари ЖПКда белгиланмаганлиги ва процессуал ҳаракатларни амалга оширишда шахснинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги;

ўнинчидан, жиноят-процессини рақамлаштириш деганда, фақатгина жиноят процессига замонавий ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш билан чекланиб қолинаётганлиги, бироқ жиноят процессуал ҳуқуқ нормаларини замонавий жиноятларга қарши курашишга хизмат қилувчи шаклда такомиллаштириш, янги институтларни жорий қилиш, жиноятчиликни замонавий кўринишларининг ўсиш тенденцияларига мос равишда ЖПК нормаларини рақамли трансформация қилиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаётганлиги.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумоти. (*Information of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan.*)
2. World Health Organization (2024). *Health Behaviour in School-aged Children (HBSC) Study: International Report 2021/2022*. WHO Regional Office for Europe.// <https://www.hbsc.org>
3. Zhu, C., Huang, S., Evans, R., & Zhang, W. (2021). Cyberbullying among adolescents and children: A comprehensive review of the global situation. *Frontiers in Public Health*, 9:634909.// <https://www.frontiersin.org/journals/public-health/articles/10.3389/fpubh.2021.634909/full>
4. K. Park, S. Mun, J. Kim, et al. —A Review of Voice Cloning Technologies Using Deep Learning,|| IEEE Access, vol. 9, pp. 80650–80669, 2021.
5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумоти. (*Information of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan.*)
6. APAC Experiences 1530% Surge in Deepfake Incidents Amid Global Fraud Evolution/ <https://cybersecurityasia.net/apac-experiences-1530-surge-in-deepfake-incidents-amid-global-fraud-evolution>.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди архивидаги жиноят иши материаллари. (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди архивидаги жиноят иши материаллари*)
- 8-11. ИИБ Тергов бўлинмаларидаги жиноят иши материаллари. (*Criminal case materials in the investigative units of the Ministry of internal affairs*)
12. Зуфаров А.М. “Хавфсизликка таҳдидларнинг замонавий кўринишлари ва уларга қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари”. “Ўзбекистон терговчиси” илмий-амалий журнали. №01(01)2023 й., 28-31-бетлар (*Zufarov A.M. "Modern manifestations of security threats and the peculiarities of combating them". Scientific and practical Journal "investigator of Uzbekistan". №01 (01)2023., Pp. 28-31 .)*
13. Коновалов А.А., Наумов С.А. ва Колесни-ков Д.Д. Киберпреступность как глобальная угроза экономической безопасности: виды, особенности, проблемы воздействия// Ростовский научный журнал №1. 2018. С.-20-27 (*Konovarov A.A., Naumov S.A. va Kolesnikov D.D. Cybercrime as a global threat to economic security: types, features, problems of impact// Rostov Scientific Journal No. 1. 2018. pp. 20-27*)
14. Ўзбекистон Республикаси ИИБ маълумоти. (*Information of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan.*)
15. И.Стребулаев, А.Данг., Венчур зеҳният Б-146 (*I.Strebulaev, A.Dang, Venture Mindset P-146*)
16. М.Х.Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. Жиноят-процессуал ҳуқуқи дарслик. Тошкент-2023. Б-13-15 (*Under M.X.Rustambaev's General Ed. Textbook of Criminal-Procedural Law. Tashkent-2023. P-13-15*)
17. Якубов А.Н. Кибермаконда рақамли мулк ҳуқуқи ва уни ҳуқуқий тартибга солиш. Ю.ф.д. Дисс. Автореф. Т-2023. Б-5 (*Yakubov A.N. The right to digital property in cyberspace and its legal regulation. Autoref. Diss. Doctor of Law. T-2023. P-28*)
18. А.Ю.Афанасьев. Искусственный интеллект в уголовном процессе. Юридическая техника. 2021. № 15.Б-571-574. (*A.Y.Afanasyev. Artificial intelligence in criminal proceedings. Legal technology. 2021. No. 15.B-571-574.*)
19. С.Мухаммадиев “Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш масалалари.” ЮФФд.диссертация Б-22. (*S.Mukhamadiev "Issues of gradual digitization of the procedure for conducting criminal proceedings in the process of inquiry and preliminary investigation." Diss. PhD P-22.*)
20. Миликова А. В. Актуальные вопросы цифровизации системы уголовно-процессуальных актов. Вестник Кемеровского государственного университета. Серия: Гуманитарные и общественные науки. 2025. Т. 9. № 4. С. 624–632. <https://doi.org/10.21603/2542-1840-2025-9-4-624-632> (*Milikova A.V. Actual issues of digitalization of the system of criminal procedural acts. Bulletin of Kemerovo State University. Series: Humanities and Social Sciences. 2025. Vol. 9. No. 4. pp. 624-632.*)
21. Oleksandr Halahan, Iryna Krytska, Anush Tumanyants, Iryna Dubivka “Digitalization of the criminal process: is simplification always for the better?” <https://idp.uoc.edu> IDP N.º 38 (October, 2023) I ISSN 1699-8154 1 Journal promoted by the Law and Political Science Department 2023,
22. Н.В.Михайленко. Перспективы и проблемы отправления цифрового правосудия в Российской Федерации. Закон и право. Диссертационные исследования. 2020. Б-201-205. (*Н.В.Михайленко. Перспективы и проблемы отправления цифрового правосудия в Российской Федерации. Закон и право. Диссертационные исследования. 2020. Б-201-205.*)
23. Andor Gál New Area of Judicial Cooperation on Criminal Matters in the European Union: The Transmission of Electronic Evidence between Member States / DOI: 10.17951/sil.2024.33.5.69-85 P-70
24. Якубов А.Н. Кибермаконда рақамли мулк ҳуқуқи ва уни ҳуқуқий тартибга солиш. Ю.ф.д. Дисс. Автореф. Т-2023. Б-5 (*Yakubov A.N. The right to digital property in cyberspace and its legal regulation. Autoref. Diss. Doctor of Law. T-2023. P-22*)

25. М.Х.Рустамбаевнинг умумий таҳрири остида. Жиноят-процессуал ҳуқуқи дарслик. Тошкент-2023. Б-13 (*Under M.X.Rustambayev's General Ed. Textbook of Criminal-Procedural Law. Tashkent-2023. P-13*)



INNOVATIVE
ACADEMY